

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2017 йилнинг январь–июнида чакана савдо товар айланмаси 49 747,3 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 111,1 фоизни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 5 251,8 млрд.сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 10,6 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг чакана савдо товар айланмаси 9,6 фоизга кўпайиб, 11 413,2 млрд. сўмга етди, жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 22,9 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 33 082,3 млрд. суми якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келди ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 111,0 фоизга ошди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши 66,5 фоизга тенг бўлди.

2017 йилнинг январь–июнида чакана савдо товар айланмаси таркиби



2017 йилнинг январь–июнида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 83,1 млрд.сўмни ёки ўтган 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 142,9 фоизни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,2 фоизни ташкил қилди.


Нодавлат мулки 49 664,2 млрд.сўмни ёки ўтган 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 111,0 фоизни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,8 фоизни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келиб, 21,4 фоизни ташкил этди, Тошкент вилоятида эса 10,4 фоизни, Фарғонада 8,9 фоизни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилоятида

1,8 фоизни, Жиззах вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида 3,4 фоизни ташкил этиб энг паст кўрсаткични қайд этди.

Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши

фоиз ҳисобида



2017 йилнинг январь–июнида чакана савдо товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Млрд.сўм	2016 йил январь–июнга нисбатан фоиз ҳисобида	Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	49 747,3	111,1	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
йирик корхоналар	5 251,8	115,0	10,6
кичик тадбиркорлик	44 495,5	110,6	89,4
шундан уюшмаган савдо товар айланмаси	6 229,0	101,1	12,5

Чакана товар айланмаси

(умумий овқатланишни қўшган ҳолда)

	<i>Жами</i>		<i>Аҳоли жон бошига</i>	
	<i>млрд.сўм</i>	<i>2016 йил январь–июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>минг.сўм</i>	<i>2016 йил январь–июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ўзбекистон Республикаси	49 747,3	111,1	1 543,4	109,2
Қарақалпоғистон Республикаси	1 691,3	113,0	928,0	111,4
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	3 885,4	108,5	1 307,2	106,6
Бухоро	3 076,1	112,7	1 663,8	111,0
Жиззах	1 685,1	110,8	1 290,0	108,7
Қашқадарё	3 700,2	111,4	1 193,2	109,2
Навоий	1 968,6	108,1	2 080,6	106,4
Наманган	3 078,4	111,5	1 156,3	109,5
Самарқанд	4 367,4	113,1	1 191,6	111,0
Сурхондарё	3 307,0	111,2	1 336,9	109,0
Сирдарё	904,2	111,2	1 121,9	109,5
Тошкент	5 158,6	109,7	1 818,8	108,4
Фарғона	4 408,9	112,6	1 232,9	110,7
Хоразм	1 879,5	112,8	1 054,8	110,9
Тошкент ш.	10 636,6	110,5	4 369,8	108,9